

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари қайта ташкил этилади

Президентнинг 3.02.2017 йилдаги ПФ-4944-сон Фармони билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида **Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди** («Халқ сўзи» газетасининг 4.02.2017 йилдаги 26 (6720)-сонида чоп этилган).

Ривожланишнинг асосий йўналишлари белгиланди

Ҳужжатда маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг куйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланди:

- 1) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслақдоши ва кўмақдошига айлантириш;
- 2) жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш;
- 3) ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро амкорлигини мустаҳкамлаш;
- 4) жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш;
- 5) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш.

Фуқаролар йиғинлари қайта ташкил этилади, Республика кенгаши уюшмага айланди

Таркибда маҳаллалар тузилган шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинлари белгиланган тартибда уларни **маҳалла фуқаролар йиғинларига** бирлаштириш ва бўлиш йўли билан қайта ташкил этилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига фуқаролар йиғинларининг уюшмаси шаклидаги юридик шахс мақоми берилди. Бундан ташқари, таркибий тузилмалар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар ташкил этилди.

Бунда Бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасига тегишинча Республика

2-бетда

Ишдан «қочган» бухгалтернинг мероси

— Қадримга етмаяпсизлар, сизлардан кетаман! — деди бухгалтер ва ўз сўзининг устидан чиқди. Ўзидан кейин қолган нарса — бир тўда тушунарсиз ҳужжатлар ва чалкаш маълумотларни ўз ичига олган ишчи компьютер бўлди. Ҳисобот топшириш вақти эса келиб қолди. Иш таҳдидли тус ола бошлади, zero раҳбар ҳам, қолган ҳамкасблар ҳам бухгалтерия ишидан умуман беҳабарлар. Бундай вазиятда нима қилиш керак?

Бухгалтерни ишни тугатишга мажбур этиш мумкинми?

Мажбурий меҳнат, албатта тақиқланган. Шу боис меҳнат дафтарчаси, ҳисоб-китоб берилишини тўхтата туриб, бухгалтерни бирор-бир ишни охиригача бажаришга (мисол учун, *йиллик ҳисобот топширишга*) мажбур этиш қонунга хилоф ва юридик жиҳатдан хавфли — мажбурий проғул вақти учун иш ҳақи тўлашга, МЖТКнинг 49-моддасига кўра ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима тўлашга тўғри келиши мумкин.

Бироқ бундай вазиятдан чиқиш йўлини топса ҳам бўлади. Zero тажрибали раҳбар ҳар доим захирада салмоқли далил-исботга эга бўлади. Неустойка ана шундай далил-исботдир. Қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган пул суммаси (жарима ёки пенялар) неустойка ҳисобланади (ФКнинг 260, 261-моддалари).

Бунда неустойка тўлаш меҳнат шартномасида ходим ўз хоҳиши билан ишдан бўшайдиган тақдирда қайд этилиши мумкин

(МКнинг 99 ва 104-моддалари). Бироқ бунинг учун бир мажбурий шарт бор — меҳнат шартномаси муддатли бўлиши керак. Иш берувчининг фойдасига, қонун муддатли меҳнат шартномаларини бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаганда унинг функцияларини амалга оширадиган ходим билан, 5 йилгача бўлган даврга ёки муайян ишни бажариш вақтига тузишга йўл қўяди (МКнинг 76-моддаси).

Неустойка миқдори иш берувчи ва ходим ўртасидаги битим билан белгиланади ҳамда иш берувчи томонидан ходим-

нинг манфаатларини кўзлаб қилинган харажатлар, ишлаб берган даври ва бошқа ҳолатларга боғлиқ ҳолда табақаланиши мумкин. Масалан, агар иш берувчи ўз бухгалтери малака оширганлиги ёки унинг стажировкаси учун тўласа, шартномада бухгалтер неустойка сифатида ушбу харажатларга тенг суммани тўлаши кераклиги белгиланиши мумкин.

Моҳиятан олганда, тарафлар тўловлар ҳажмини эркин белгилашлари мумкин. Бироқ неустойка — бир-бирларини тақозо

8-бетда



В. Муромцев чизган расм.

Кичик бизнес субъектлари диққатига!



Тошкент шаҳар статистика бошқармаси **микрофирма ва кичик корхоналарга 1-КВ (йиллик) «Микрофирма ва кичик корхонанинг 2016 йил учун ҳисоботи»** шаклидаги давлат статистика ҳисоботини **2017 йил 27 февралдан кечиктирмай**, чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналарга **2017 йил 27 мартдан кечиктирмай** топшириш зарурлигини эслатиб ўтади.

7-бетда

Ушбу сонда:

2-БЕТ

Пойтахтда кичик бизнес қандай схемада кредитланади

3-6-БЕТЛАР

Ҳозир ХУМШлар умумий йиғилишни ўтказадиган айна палла

Уй иситилмаётганини қандай исботлайсиз?

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



кенгаши, ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қилиш вазифаси юклатилди.

Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоатчилиги фондининг тегишинча республика бошқаруви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар бўлинмаларига раислик қиладилар.

Республика кенгашида ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича раис ўринбосари, Республика кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашларда эса ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари лавозимлари жорий этилади.

Ўз навбатида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими киритилади.

Ходимларга устамалар берилади, пенсионерлар пенсияни тўлиқ оладилар

Белгиланишича, Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар ижро аппаратлари «Маҳалла» фондининг тегишинча республика бошқаруви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар бўлинмалари, шунингдек шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг қайта ташкил этилиши муносабати билан бўшайдиган штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади.

Ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар ижро аппаратлари ходимларининг маошларга 20 фоизли устама ҳақ ўрнатилади.

Бундан ташқари, Республика кенгаши, ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари лавозимларида ишловчи пенсионерларга Пенсия жамғармаси ҳисобидан қоллаган ҳолда пенсиялар тўла миқдорда тўланади.

Кўкрак нишони таъсис этилди

Фармон билан «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони таъсис этилди, ушбу нишон фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига вазифаларни амалга оширишда муносиб ҳисса қўшган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари тақдим этилади.

Ҳужжатда шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қатор вазифалар белгиланган.

Имтиёзли микрокредитлар бўйича тажриба лойиҳаси амалга оширилади

Президентнинг 31.01.2017 йилдаги ПҚ-2746-сон қарорига мувофиқ тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун микрокредитлашнинг янги схемаси жорий этилади.



Микрокредитлаш учун қамраб олинadиган шахслар орасида устувор контингентлар қуйидагилар ҳисобланади:

ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари;

муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмоний шахслар;

меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар;

оилавий ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган аҳоли, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсияномалари бўйича ишга жойлашишга эҳтиёжманд бўлган бошқа шахслар.

2017 йил мобайнида тижорат банкларининг 126 филиали орқали 277 млрд сўм миқдорда микрокредитлар берилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек мазкур микрокредитлар бериладиган асосий фаолият турлари рўйхати тасдиқланди. Улар 15 та, бироқ микрокредитлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсияномалари бўйича оилавий тадбиркорликнинг бошқа турлари ҳам тақлиф этилиши мумкин.

ЭКИХнинг 200 баробаригача миқдордаги микрокредитлар асосий қарзни тўлашга 6 ой муддатли имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда 3 йилгача муддатга берилади. Бунда қуйидаги йиллик фозиз ставкалари амал қилади:

1 та иш жойи яратилганда – 9%;

2 та иш жойи – 8%;

3 тадан 4 тагача иш жойлари – 7%;

5 та ва ундан ортқ иш жойлари яратилганда – 6%.

Мурожаат этувчи томонидан, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бериладиган микрокредит бўйича қайтаришни таъминлай олмаслик ҳолати вужудга келганда тижорат банклари томонидан микрокредитни таъминлаш сифатида қуйидагиларни қабул қилиб олишларига йўл қўйилади:

ЭКИХнинг 100 баробаригача миқдорда – харид қилинадиган мулкни ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафилигини;

ЭКИХнинг 100 баробаридан ортқ миқдорда – учинчи шахснинг кафилигини, суғурта ташкилотларининг суғурта полисларини ва қонун ҳужжатлари доирасида бошқа таъминлаш турларини.

Экспортчилар валюта тушумининг 25 фоизини сотади

Вазирлар Маҳкамасининг 1.02.2017 йилдаги 44-сон қарори билан Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига (29.06.2000 йилдаги 245-сон ВМҚ билан тасдиқланган) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Энди хўжалик юритувчи субъектлар товарлар ва хизматларни экспортга сотишдан олинган хорижий валютадаги тушумнинг 25%ини ваколатли банкларга мажбурий сотишлари шарт.

Шу билан бирга ҳужжат билан Экспорт қилишдан тушган хорижий валютадаги тушумнинг 50 фоизи мажбурий сотиладиган товарлар (12) ва хизматларнинг (4) алоҳида турлари рўйхати белгиланди.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 14 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи.*

1 Австралия доллари2536,29	1 Малайзия ринггити744,18
1 Англия фунт4133,38	1 Польша злотийси818,44
1 Дания кронаси472,72	1 СДР4480,93
1 БАА дирҳами901,02	1 Туркия лираси894,88
1 АҚШ доллари3309,35	1 Швейцария франки3295,18
1 Миср фунти188,57	1 ЕВРО3542,72
1 Исландия кронаси29,22	10 Жанубий Корея вон28,70
1 Канада доллари2527,00	1 Япония иенаси290,63
1 Хитой юани480,80	1 Россия рубли56,24
	1 Украина гривнаси121,64

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	13.02.2017	1	1,7301	1	1,8378	1	0,0296
Арманистон	10.02.2017	1	486,79	1	518,04	1	8,30
Беларусь	13.02.2017	1	1,9028	1	2,0260	100	3,2336
Грузия	13.02.2017	1	2,6223	1	2,7907	100	4,4682
Қозғиғистон	13.02.2017	1	323,3	1	344,02	1	5,51
Қирғизистон	13.02.2017	1	69,4436	1	73,8880	1	1,1801
Молдова	13.02.2017	1	19,9846	1	21,2656	1	0,3402
Россия	11.02.2017	1	58,8457	1	62,6824	—	—
Тожикистон	13.02.2017	1	7,9025	1	8,4130	1	0,1317
Туркменистон	13.02.2017	1	3,5000	1	3,7233	100	6,0075
Украина	13.02.2017	100	2 720,6833	100	2 891,8143	10	4,6234

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

УШБУ СОНДА

• ИШ БЕРУВЧИНING ЁН ДАФТАРИГА

– Ишдан «қочган» бухгалтернинг мероси **1, 8-бетлар**

• СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ

– Кичик бизнес субъектлари диққатига!

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси эслатади

1, 7-бетлар

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси

1-2-бетлар

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Йиллик умумий йиғилишни ўтказдингизми?

– «Босимга қарши таблетка»

– Ўтган йиллардаги қарз

– Уй иситилмаётганлигини қандай исботлаш мумкин?

– Ортиқча батарея ўрнатдингизми – тўловни тўланг

3-6-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahrirlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



рўйхатдан ўтказиш рақамини ва уни қабул қилиш вақтини хабар қилиши шарт (*Қоидаларнинг 127-банди*).

Агар иссиқлик энергияси етказиб берилмаганлиги ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилганлигининг сабаблари маълум бўлса, етказиб берувчи ёки ижро этувчи бу ҳақда дарҳол истеъмолчига хабар бериши ва буюртмаларни рўйхатдан ўтказиш дафтарига тегишли ёзувни қайд этиши шарт. Ушбу белги иссиқлик энергияси етказиб берилмаганлиги ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилганлиги ҳолати етказиб берувчи ёки ижро этувчи томонидан эътироф этилиши учун асос ҳисобланади (*Қоидаларнинг 128-банди*).

Агар иссиқлик энергияси етказиб берилмаганлиги ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилганлиги сабаблари етказиб берувчига ёки ижро этувчига маълум бўлмаса, улар кўрсатиб ўтилган ҳолатларни аниқлашнинг ва иссиқлик энергияси сифатини текширишнинг аниқ вақти ва санасини истеъмолчи билан келишиши

шарт. Текшириш натижалари бўйича далолатнома тузилади, у истеъмолчи ва етказиб берувчи (ижро этувчи) ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланади (*Қонуннинг 129-банди*).

Агар томонлар иссиқлик энергияси сифатига ёки иссиқлик таъминоти кўрсатилишига нисбатан ягона қарорга келмасалар, у ҳолда иссиқлик энергияси сифатини баҳолашнинг янги вақти ва санасини белгилайдилар. Унга маҳаллий давлат ҳокимияти органи, стандартлаштириш органлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат ташкилотлари, ваколатли давлат органлари вакиллари ҳамда етказиб берувчи ва ижро этувчининг вакиллари тақлиф этилади.

Иссиқлик энергиясининг сифатини тасдиқловчи натижалари бўйича иссиқлик энергияси етказиб берилмаганлиги ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилганлиги тўғрисида далолатнома тузилади. У истеъмолчи ва етказиб берувчи (ёки уларнинг вакиллари) томонидан имзоланади. Кўрсатиб ўтилган шахслар

билан биргаликда далолатномани маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари имзолаши мумкин (*Қоидаларнинг 130-банди*).

Далолатномада сифат параметрлари бузилиши, иссиқлик энергиясини етказиб бериш тўхтатилиши бошланishiнинг ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилганлигининг вақти ва санаси кўрсатилади. Далолатнома иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тўлов миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиш учун асос ҳисобланади (*Қоидаларнинг 131, 132-бандлари*).

Етказиб берувчи ёки ижро этувчи ёки учинчи шахслар томонидан истеъмолчининг ёки у билан бирга яшайдиган шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига, кўп квартиралли уйдаги хоналарнинг мулкдорлари умумий мулкка зарар етказилган тақдирда, етказиб берувчи, ижро этувчи ва истеъмолчи (ёки уларнинг вакиллари) далолатномани имзолайдилар, унда бундай зарар етказилганлиги ҳолати қайд этилади. Мазкур далолатнома истеъмолчи мурожаат қилган пайтдан бошлаб 12 соатдан кечикмай етказиб берувчи ёки ижро этувчи томонидан тузилиши ва тегишли равишда унинг ваколатли вакили томонидан имзолаши керак. Далолатномани истеъмолчи (ёки унинг вакили) томонидан имзолаш имконияти бўлмаган тақдирда, у фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вакиллари томонидан имзолаши керак (*Қоидаларнинг 133-банди*).

Иссиқлик энергияси етказиб берилмаганлиги ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилганлиги тўғрисидаги далолатнома 2 нусхада тузилади, улاردан бири истеъмолчига (ёки унинг вакилига) берилади, иккинчи нусхаси етказиб берувчига ёки ижро этувчига қолади (*Қоидаларнинг 134-банди*).

Ортиқча батарея ўрнатдингизми – тўловни тўланг



Ҳақ тўланадиган майдонга нималар қиради?

Ш.Ҳамроев.

— Қоидаларнинг 2-бандига мувофиқ, иситиладиган майдон – турар жой хоналарининг умумий майдони. **Иситиш асбоблари** (иситиладиган юзалар билан) ёки иссиқлик таъминотининг уй ички тизимларига уланган хоналарга бирлаштирилган ҳолда қайта режалаштирилган (иситиладиган юзалар билан) пешайвонлар, балконлар, айвонлар ва террасалар майдони иситиладиган майдон ҳажмига қиради.



Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



МУНДАРИЖА:

- ✓ Йиллик умумий йиғилишни ўтказдингизми?
- ✓ «Босимга қарши таблетка»

- ✓ Ўтган йиллардаги қарз
- ✓ Уй иситилмаётганлигини қандай исботлаш мумкин?
- ✓ Ортиқча батарея ўрнатдингизми – тўловни тўланг



Соннинг бош мавзуси

Йиллик умумий йиғилишни ўтказдингизми?

Календарга кўз ташлаймиз – февраль ойи ўтиб борапти... Демак, ХУМШдаги асосий воқеа – йиллик умумий йиғилишни ўтказиш вақти келди. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин – ХУМШ тўғрисидаги Қонун) 20-моддасида у молия йили тугаганидан кейин 60 кундан кечиктирмай чақирилиши белгиланганига қарамай, аксарият ХУМШлар бу ишни февралга қолдирадилар. Шу сабабли йиллик умумий йиғилишни қандай қилиб тўғри ўтказиш ҳақидаги маслаҳатларимиз айнан ҳозир кўл келади.

Нима учун уни йилнинг асосий воқеаси деб ҳисоблайдилар? Чунки бу йиғилишда ўтган йилги молиявий-ҳўжалик фаолиятининг яқунлари чиқарилади, ширкатнинг жорий йилдаги иш механизми йўлга қўйилади. ХУМШ муваффақияти кўп жиҳатдан бошқарув унга қандай тайёрланишига боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, уни ўтказишга жиддий ёндашиш зарур.

Кўпгина ширкатлар раҳбарлари унга юзаки қарашларини тан олиш лозим. У киши кўзига, шошма-шошарлик билан ёки умуман фақат қоғозда ўтказилади. ХУМШ аъзоларини йиллик йиғилиш чақирилиши ҳақида хабардор қилмайдилар, бошқарув аъзолари унга қандай қилиб тўғри тайёр-

гарлик кўришни билмайдилар. Бунинг оқибати дарҳол кўзга ташланади. Уй аҳли бадалларни нима учун тўлаётганларини, улар нималарга сарфланаётганини ва нималардан шаклланаётганини, уларнинг назарида муҳим бўлган ишлар нега режага киритилмаганини, уларни бажариш ҳақида талабга эса доим бир хилдаги «Пул йўқ!» деган жавобни олишлари сабабини билмайдилар. Бунинг олдини олиш учун уй-жой мулкдорлари келаси йилда умумий мол-мулкни сақлашга доир ишлар режалари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари, уларни ҳамда ширкатнинг ўтган йилги ҳисоботини тасдиқлашлари зарур.

ХУМШ бошқаруви ва аъзолари



*Тахририят ихтилофи вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмаклашишга ваколатли эмас.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

кўп квартиралари уйдаги умумий мол-мулк уй-жой мулкдорларига тегишли эканлигини унутмасликлари лозим. Бу мол-мулк уларнинг ҳисобига тутиб турилади, шу сабабли улар бошқарув

мақсадларини белгилашга, умумий йиғилишда қатнашишга, уни сақлаш юзасидан қарорлар қабул қилишга ҳақлилар. Бу йиғилишга тайёргарлик кўришда бошқарув ХУМШ аъзолари

билан ўзаро ҳамкорлик қилиши лозимлигини, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва хоҳиш-истаклари билан танишиш ва уларни умумлаштиришни тақозо этишини аниқлади.

Йиллик умумий йиғилишни муваффақиятли ўтказиш учун нималарни билиш зарур? Унинг ташкилотчилари кўп тўқнаш келадиган саволлар юзасидан тавсияларимиз бошқарув аъзоларига ҳам, уй-жой мулкдорларига ҳам қўл келиши мумкин.

Йиғилишга тайёргарлик

? *ХУМШ аъзоларининг йиллик умумий йиғилишида қандай масалалар кўриб чиқилади?*

— Йиллик умумий йиғилишдаги асосий масалалар келаси йилда умумий мол-мулкни сақлаш ишларининг режалари, даромадлар ва харажатлар сметаси, мажбурий бадал миқдори лойиҳаларини ва уларнинг ўтган йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, ХУМШ тафтиш комиссиясининг ўтган йил учун ҳисоботини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш ҳисобланади.

ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 20-моддасида назарда тутилганидек, бошқарув мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари тасдиқланганига қадар ширкат аъзоларини улар билан таништириш шарт.

? *Ишлар режасининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот лойиҳасини тайёрлашда бошқарув нималарга эътибор бериши керак?*

— Одатда курак рақамлар ХУМШ аъзоларига тушунарли ва қизиқарли бўлади. Ширкат ўтган йили қўйилган вазифаларни уйдлаганига гувоҳ бўлишлари учун ҳисоботда режалаштирилган ва амалда бажарилган ишлар бўйича таққослама маълумотлар келтирилиши керак. Бундан ташқари, бошқарув ишларининг бир қисми бажарилмай қолгани сабабларини таҳлил қилиб бериши зарур.

? *Даромадлар ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот лойиҳасига нималарни кiritиш мумкин?*

— Унда ҳам режалаштирилган ва бажарилган маълумотлар таққосланиши, қўзлангани рўйбга чиқаришга ҳалал берган сабаблар таҳлил қилиниши шарт. Масалан, нима учун даромадлар келиб тулишини таъминлашга эришилмади. Бунга уй эгаларининг тўловларни тўламаганига сабаб бўлгани эҳтимолга яқин. Уларнинг бадал тўламастиклари ишлар бажарилишига қандай таъсир кўрсатишига иқдор бўлишлари учун умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадаллар бўйича қарзнинг умумий суммасини, натижада қайси ишлар бажарилмай қолганиниги эътиборларига ҳавола қилган маълумот. Тўламаслик сабабларини таҳлил қилиш, қарзларни йўқотиш учун ширкат қандай иш олиб боргани ҳақида маълумот бериш ҳам ўринли. Агар ўтган йилда мўлжалланган харажатлар ошиб кетган бўлса, бунга батафсил тўхталиб ўтиш лозим. Эҳтимол, бунга қўлда тутилмаган авария ишлари сабабчи бўлгандир. Сабаблар таҳлили жорий йилга сметаларни тасдиқлашда муваффақиятсизликларнинг олдини олиш имконини беради.

? *Биттадан ортқ уй мулкдорлари бирлаштирилган ХУМШ учун йиллик умумий йиғилишни тайёрлаш ва ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжудми?*

— ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасида белгиланишича, бир неча уй аъзоларини бирлаштирган ширкатларда аъзоларнинг ҳар йили умумий йиғилиши ўтказилганига қадар ширкатдаги ҳар бир уйнинг жой мулкдорлари йиғилишлари ўтказилиши шарт. Ҳар бир уйнинг жой мулкдорлари йиғилиши ширкат йиғма режаси ва сметасининг бир қисми сифатида ҳар бир уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режасини, даромадлар ва харажатлар сметасини, шунингдек ўтган йил учун режа ва сметанинг ижросига доир ҳисоботларни тасдиқлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади. Бироқ ушбу норма деярли ишламайди, чунки бошқарув аъзолари бундай ёндашув сермеҳнат, кўп вақт олади деб ҳисоблайдилар. Аслида бу фақат муайян уй эҳтиёжларидан келиб чиқиб ишлар ва харажатларни режалаштириш, шунингдек мажбурий бадал миқдорини ҳисоблаб чиқариш мумкин бўлган ижтимоий адолат позициясидан умумий мол-мулкни сақлаш масалаларини ҳал этишга имконият яратди. Мулкдорларнинг катта ҳамжамиятида бу очик-ойдинлик, ишончлиликини, бинобарин, ХУМШ аъзоларининг тўлов интизомини таъминлаш имконини беради. Бир уй аҳлининг маблағларини бошқасининг эҳтиёжларига қайта тақсимлаш уларнинг норозилигига сабаб бўлиши тайин.

? *Келаси йилга жой мулкдорларининг умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режаси, даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳаларини ишлаб чиқишда нималарни унутмаслик керак?*

— Ишлар режасини ишлаб чиқишда умумий мол-мулкнинг техник ҳолати, айланиб чиқиш, қўриқдан ўтказиш натижалари бўйича, шунингдек муайян ишларни бажариш зарурати ҳақидаги ширкат аъзолари фикрини ҳисобга олган ҳолда унинг амалдаги ҳолатига берилган баҳодан келиб чиқиб лозим. Бу ишларни устуворлигига ва навбатига қараб режалаштириш лозим. Агар уларни бажаришга харажатлар ХУМШ ҳамёнига тўғри келмаса, уларнинг хоҳишига кўра жуда муҳим бўлмаган ишларни ишлар режасидан чиқариб, истиқбол режасига ўтказиш мумкин.

Ишларни бажаришга харажатларни баҳолаётганда ширкатдаги ҳар бир ҳодимнинг штат ҳодими иш ҳақи миқдорини умумий йиғилиш кўриб чиқиши учун тақдим этиш ва сметага киритишни унутманг. Одатда бу ҳақдаги ахборотнинг йўқлиги ХУМШ аъзоларининг норозилиги ва зиддиятларини келтириб чиқаради. Аслида ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, ширкат аъзолари умумий йиғилишнинг ваколатларига бошқарув раисига, аъзоларига ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш; ХУМШ ҳодимларининг, шу жумладан бошқарувчининг (ижрочи директорнинг) иш ҳақи миқдорини ва уларни тақдирлаш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш киради. Ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боглиқ масалаларнинг очик муҳокама қилиниши ва

тасдиқланиши ХУМШда очик-ойдинлик, бир-бирини тушуниш, ишончга асосланган муносабатлар мустаҳкамланишига замин яратлади.

Кўпинча қайсидир мўлжалланган ишлар уй ҳўжалигида қўтилмаган вазиятлар юзага келганлиги сабабли бажарилмай қолади. Шу сабабли **сметада** қўтилмаган ишлар ҳақини тўлаш учун **захира фондини ҳисобга олиш** мақсадга мувофиқдир.

Сметани ишлаб чиқишда ўзгармас қоидага амал қилиш лозим: харажат қисми даромад қисмидан ошиб кетмаслиги керак.

Ишлар режаси ва смета лойиҳаларини тайёрлашда ХУМШ аъзоларининг фикрини унобатга олиш учун бошқарув улар билан қандай ҳамкорлик қилади?

– Бошқарув аъзолари келаси йилги ишлар режаси ва смета лойиҳаларини тайёрлашда жой мулкдорларининг истақларини билиш учун улар орасида анкета сўрови ўтказишлари, ўтган йилдаги мурожаат ва шикоятларини таҳлил қилишлари, улар билан сўхбатлар, учрашувлар ўтказишлари мумкин.

ХУМШ аъзоларини ишлар режаси, даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳалари, ўтган йил учун ҳисоботлар билан қандай таништириш мумкин?

– Кичик ширкатларда энг мақбул вариант – ХУМШ аъзоларини ҳужжатлар лойиҳалари билан квартирама-квартира айланиб таништириш. Бунга уйбоши ва йўлакбошилар қилиши мумкин. Умумий йиғилиш олдида ҳужжатлар лойиҳалари билан ширкат офисида танишини мумкинлигини ХУМШ аъзолари эътиборига етказиш мумкин.

Умумий мол-мулкни сақлаш учун мажбурий бадални белгилашда нималарга аҳамият бериш керак?

– Аксарият ХУМШ аъзолари мажбурий бадал миқдори нималардан ташкил топишини тасаввур қилмайдилар. Улар бадал миқдорини осмондан оладилар деб ўйлайдилар. Кўпинча қўшни ХУМШда унинг миқдори камлиги, ўзариники эса жуда юқорилигидан шикоят қиладилар. Йиллик умумий йиғилиш – уй эгаларини бадал таркиби, уни ишлаб чиқиш механизми билан таништириш учун яхши имконият. Агар бошқарув бунинг уйдасидан чиқса, ўзига бўлган ишончни қозонганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Мажбурий бадал шаклланишига ёндашув иккита муҳим омил: «маблагга яраша иш бажарилади» ва «харажатлар даромадлардан ошмаслиги керак» омилга таянишини жой мулкдорларига тушунтириш лозим. Мулкдорлар ҳар қандай ишни бажаришга харажат қўланиши кераклигини англашлари керак. Уй аҳли кўпроқ иш қилинишини истаяптими, уларнинг ҳақини тўлаши шарт. Агар бадал миқдори жуда юқори деб ҳисобласалар, режани мушқуллаштирувчи ишларни ундан чиқариб ташлашлари мумкин, бироқ шу билан бирга уларни бажаришни ҳам талаб қилмасликлари керак. Бадал миқдори даромадлар ва харажатлар сметаси асосида ҳисоблаб чиқарилади. ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, мажбурий бадалларнинг миқдорини тасдиқлаш умумий йиғилиш ваколатига қиради.

Мажбурий бадал миқдори қандай ҳисоблаб чиқарилади?

– Йил мобайнида режалаштирилаётган харажатлар суммасини ХС, даромадлар суммасини ДС, ХУМШ аъзола-

рининг мажбурий бадаллари суммасини Сбд, бадалларни чегирган ҳолда режалаштирилаётган даромадлар суммасини эса ДС* деб белгилаймиз. Бунда $ХС = ДС$ ёки $ХС < ДС$ бўлади. Бу ҳолда режалаштирилаётган даромадлар суммасини қуйдагича ифодалаш мумкин: $ДС = Сбд + ДС^*$.

Агар квартира умумий майдонининг 1 м^2 учун ойлик мажбурий бадаллар миқдорини Бд*, уйдаги барча турар ва нотурар жойларнинг умумий майдонлари суммасини эса СМум деб олсак, бадал миқдорини қуйдагича ҳисоблаб чиқариш мумкин: $Бд^* = ХС - ДС^* / СМум \times 12$. Битта уйли ширкатлар учун бундай ёндашувни қўллаган мақбул.

ХУМШ аъзоларини йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш

Кўпинча ХУМШ аъзолари йиллик умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабардор этмасликларидан шикоят қиладилар. Уларга ушбу ахборотни қандай қилиб етказган маъқул?

– Бу масалани Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий устави (ВМнинг 30.05.2006 йилдаги 100-сон қарорига 1-илова) батафсил тартибга солади. Намунавий уставнинг 11.4.5-бандида белгиланишича, ХУМШ аъзолари умумий йиғилишнинг ўтказилиш жойи, санаси, вақти, кун тартиби ва кимнинг ташаббусига кўра ўтказилаётгани, шунингдек ширкат ҳужжатлари лойиҳалари ва ҳисоботлар билан таништириш тартиби ҳақида умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан камида 10 кун аввал огоҳлантирилади.

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида белгиланган жойларда эълонлар осиб қўйиш (уйнинг йўлакларида, уй атрофидаги ҳудудда); огоҳлантириш варақасида имзо чектириш орқали оғзаки ёки ёзма огоҳлантириш; почта жўнатмаси (буюртма хат) жўнатилиш орқали ёзма огоҳлантириш усуллари қўлланилиши мумкин.

Умумий йиғилишнинг қарорлар қабул қилиши

ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши қачон ваколатли ҳисобланади?

– Умумий йиғилиш, агар унда ХУМШ аъзоларининг ёки улар вакилларининг 50%идан кўпроғи ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирали ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг камида 50%и ҳозир бўлиши керак (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 20-моддаси).

Умумий йиғилишни ўтказиш учун қворум етарли бўлмаганда қандай йўл тутиш лозим?

– Қворум етарли бўлмаган тақдирда бошқарув йиғилиш ўтказилишининг янги санаси ва вақтини белгилайди, бу ҳақда ХУМШнинг барча аъзолари қўшимча равишда огоҳлантирилади. Янги белгиланган умумий йиғилиш илгари қолдирилган умумий йиғилишдан 10 кундан кечикмай ўтказилади (Намунавий уставининг 11.5-банди).

1 ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг қарори қачон ваколатга эга ҳисобланади?

– Умумий йиғилишнинг қарори учун ХУМШ аъзоларининг 50%идан кўпроги овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Ширкатнинг ҳар бир аъзоси умумий йиғилишда бир овозга эга бўлади (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 20-моддаси).

2 Нотураар жой мулкдорлари ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида қатнашишлари ва кун тартибидagi масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишлари мумкинми?

– Нотураар жой мулкдорлари ХУМШ аъзолари ҳисобланмайди. Шу сабабли улар умумий йиғилишнинг кун тартибидagi масалалар бўйича қарорлар қабул қила олмайдилар. Бироқ Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартиралар уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидagi намунавий шартноманинг (ВМнинг 30.05.2006 йилдаги 100-сон қарорига 2-илова) 2.3-бандига кўра, у уйдаги турар жойлар мулкдорлари йиғилишида ва умумий мулкни сақлаш бўйича биргаликда қарор қабул қилишда, шунингдек ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

3 ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида қарорларни қай йўсунда қабул қилиш мумкин?

– ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишда бевосита иштирок этиши ва овоз беришдан ташқари, йиғилиш кун тартибидagi масалалар бўйича ширкат аъзосининг қарори кўрсатилган ва имзоси қўйилган ҳолда йиғилишга ёзма шаклда берилган овозлари ҳисобга олинишига йўл

қўйилади (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддаси). Бироқ кўп ҳолларда умумий йиғилишлардаги қарорлар ХУМШ аъзоларининг вакиллари томонидан қабул қилинади.

4 Вакилликни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин?

– Аксарият ХУМШда ширкатлар аъзоларининг вакиллари умумий йиғилишларда қарорлар қабул қилаётганда қоида-бузарликларга йўл қўядилар. Кўпинча ХУМШ раҳбарлари уларнинг руҳсатисиз вакилларни тайинлайдилар. Вакиллар умумий йиғилишларда ва овоз беришда иштирок этмайдилар, йиғилишлар қарори баённомасида эса ҳаммаси жойида бўлади.

ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддаси бу масалага ойдинлик киритади. **Жой мулкдорининг** оддий ёзма шаклдаги **ишончномасига эга бўлган шахс** умумий йиғилишда ХУМШ аъзосининг **вакили бўлиши мумкин**. Ширкат аъзосининг – жисмоний шахснинг ишончномасида унинг паспортидаги маълумотлар кўрсатилади ва шахсий имзоси билан тасдиқланади. ХУМШ аъзосининг – юридик шахснинг ишончномаси раҳбарнинг имзоси ва муҳр билан тасдиқланади. Ишончнома вакилга битта умумий йиғилишда ёки кўрсатилган вақт давомида барча йиғилишларда унинг номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб сўзга чиқиш ҳамда битта йиғилиш кун тартибидagi масалалар юзасидан ёхуд барча ҳолларда овоз бериш ваколатини бериши мумкин.

5 Ишончнома қандай кўринишда бўлиши керак?

– Ишончноманинг намунавий нусхасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«_____» ХУМШ аъзоларининг йиллик умумий йиғилишида (умумий йиғилишларида) қатнашиш учун ширкат аъзоси вакилига

Ишончнома

Мен, _____

(Ф.И.Ш., ишонч билдирувчининг паспорт маълумотлари)

ш. _____

кўчаси _____

-сон уйдаги _____

-сон квартира мулкдори _____

(Ф.И.Ш., ишонч билдирилган шахснинг паспорт маълумотлари)

«_____» 20 _____ йилда ўтказиладиган ХУМШ аъзоларининг йиллик умумий йиғилишида (барча умумий йиғилишларида) қатнашиш ва йиғилиш кун тартибидagi масалалар юзасидан менинг номимдан овоз беришни ишониб топшираман.

Ишонч билдирувчининг имзоси _____

Ишонч билдирилган шахснинг имзоси _____

6 ХУМШнинг бир нечта аъзоси вакили умумий йиғилишда қандай овоз бериши керак?

– Агар бир шахс жой мулкдорларидан бир нечасининг вакили бўлса, у умумий йиғилишда манфаатларини ифода-лаётган ҳар бир ХУМШ аъзосининг номидан алоҳида-алоҳида овоз беради (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддаси). Ишонч билдирилган шахс ўзига ишонч билдирганларга овоз бериш натижалари ҳақида ахборот бериши жуда

муҳим, бу эса амалда қилинмайди ва вакиллик гоёсига путур етказилади.

7 Қандай қилиб ишончномани бекор қилиш мумкин?

– Ширкат аъзоси ўз вакилига берган ишончномани йиғилиш раисига ишончномани қайтариб олгани ҳақидаги хабарнома-ни бериш орқали ёки умумий йиғилишда шахсан иштирок этиш йўли билан бекор қилади (Намунавий уставнинг 11.9.6-банди).

Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

ХУМШ аъзоларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказишда йўл қўйиладиган 12 та қонунбузарлик

- 1 Бошқарув йиллик умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида ХУМШ аъзоларини хабардор этмади.
- 2 ХУМШ аъзоларига келаси йилги ишлар режаси, даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳалари ҳамда ўтган йил учун ҳисоботлари билан олдиндан танишиш имконияти берилмади.
- 3 Биттадан ортққ уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирган ширкатларда ХУМШнинг умумий йиғилиши ўтказилганига қадар ҳар бир уйда йиғилишлар ўтказилмади, ҳар бир уйнинг ишлар режалари, даромадлар ва харажатлар сметалари, шунингдек ўтган йил учун ҳисоботлар тасдиқланмади.
- 4 Йиғилиш раиси кўпчилик овоз билан сайланмаган.
- 5 Умумий йиғилишда кворум (ХУМШ аъзолари ёки улар вакилларининг 50%идан ортиғи) таъминланмади.
- 6 Кун тартибидagi масалалар бўйича қарорлар, улар юзасидан ХУМШ аъзоларининг 51%идан кам овоз берган бўлса-да, қабул қилинган деб ҳисобланди.
- 7 Умумий мулкни сақлашга мажбурий бадал миқдорини ХУМШ аъзолари тасдиқламаган.
- 8 ХУМШ аъзоларига мажбурий бадални ошириш зарурати асосланмаси тақдим этилмади.
- 9 Умумий йиғилишда ХУМШ аъзолари вакилларининг ишончномалари белгиланган тарзда расмийлаштирилмаган.
- 10 Вакиллар умумий йиғилиш қарорлари ҳақида ХУМШ аъзоларини хабардор қилмаганлар.
- 11 ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши баённома билан расмийлаштирилмаган.
- 12 Умумий йиғилиш баённомасига йиғилиш раиси ва котиби имзо чекмаган.

«Босимга қарши таблетка»

Мамлакатимизда эълон қилинган Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалдорлар халққа янада яқин бўладилар деган умиддамиз. Турар жойларни сақлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда фаолроқ кўмак беришларини, уй эгаларини ташвишлантирувчи масалаларга масъулият билан, амалдаги қонун ҳужжатлари позициясидан туриб ёндашишларини кутамиз. Бундай мулоқот қилиш уй-жой-коммунал соҳадаги самарали иш учун жавоб берувчи шахсларнинг тўғридан-тўғри мажбуриятига киради. Улар учун бу белгиланган йил доирасидаги кампания эмас, балки ҳар кунги амалиёт бўлиши лозим.

Халқ овозини эшитиш учун мамлакатимизда жамоат қабулхоналари ишлай бошлади. Бу – маъқул иш. Бугунги кунда ижтимоий тармоқ ҳам ЎҚХдаги ишлар аҳолидан хабар топиш имконини берувчи барометр саналади. Ҳар бир кунни ушбу сайтларни ўрганишдан бошловчи, уй-жой-коммунал соҳани бошқарувчи тузилма ишга туширилса эди... Унинг мутасаддилари жуда кўп қизиқарли маълумотларни олган бўлардилар. Шу жумладан, қандай қилиб ишни самарадорроқ қилиш, уй аҳли билан амалий мулоқот ўрнатиш мумкинлигидан хабар топардилар. Зеро, муаммоларни аниқлашдан ташқари, интернет-ҳамжамиятларда уларни ҳал этиш йўллари ҳам тақлиф этилади.

Фейсбукдаги «ХУМШ ва у билан қандай яшаш лозим» гуруҳи постларидан бири айни сонимиз мавзусига бағишланган эди. Унда умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадални шакллантириш ҳақида сўз юритилган.

«Ширкат аъзолари йиғилишида ХУМШ директори Президент Фармонида асосан ҳокимлик бадал миқдорини 2 баравар: 1 м² учун 300 сўмдан 600 сўмга ошириш мажбуриятини

юклаганини эълон қилди, Шундай Фармон борми ва бундай ёндашув қанчалик тўғри?» – деган саволи билан гуруҳ қатнашчиси мунозара мавзусини белгилаб берди.

Тўғрисини айтганда, бундай саволлар кишини ҳайратга солади. Бу нимаси? Мажбурий бадаллар қандай шаклланиши ҳақида тасаввурга эга бўлмаган ХУМШ директорининг саводсизлигими? Балки раҳбарият қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ўз хоҳишига кўра бадал миқдорини ошириб, ўзини оқлаш ниятида буни мавжуд бўлмаган фармойишга йўйиб, буни атайин қилаётган, ХУМШ аъзоларини чалкаштираётгандир? Қўйилгиздан ҳеч нима келмайди, юқоридан буйруқ келгани боис бадални оширамиз қабилида иш тутаётгандир. Ахир бу тўхмат, давлат ҳокимияти органини обрўсизлантириш бўладикун?

Тўғри, бугунги кунда 1 м² учун 300 сўмга кўп иш қилиб бўлмайди. Жорий қизмат кўрсатишга зўрга етади. Ана шуни раис ёки ижрочи директор умумий йиғилишда жой мулкдорларига тушунтириши керак. Уларнинг вазифаси – бадал нималардан



ташкил топишини кўрсатиш, 1 м² учун 300 сўмга ҳеч қандай таъмирлаш ишини бажариб бўлмаслигини асослаш.

Бироқ, маълум бўлишича, мажбурий бадал миқдорини оширишга четдан кўрсатма берилганлиги далили кўп учраб экан. Гуруҳнинг кўпгина иштирокчилари уларнинг ХУМШда ҳам тарифни ошириш зарурат (режалаштирилган ишларга харажатларнинг ошганлиги) сабабли эмас, балки мутасаддилар ёки ҳокимлик ходимларининг талаби деб асосланган. Ўз ишини биладиган, принципиал раҳбарлар бундай қилишдан бош тортадилар, бадални ошириш умумий йиғилишнинг қарори билан тасдиқланиши, ХУМШнинг ичидаги иш дея эътироз билдирадилар.

Бундан қандай ҳулоса чиқариш мумкин? Мутасаддилар айтганларини қилдириб ва бу билан қонунни бузиб, ширкатни ҳам қондабузарлик қилишга мажбурлаб, унинг ичида зиддият уйғотиб, ХУМШ ишига ноқонуний аралашяптиларми?

Муаммонинг муҳокамасида унга тўғри ёндашаётганларини кўриб қувондик: «Директорнинг ўзбилармонлиги... Фармонни кўрсатсин... Бундай Фармон бўлмаган ва бўлмайдми ҳам. ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддасида белгиланишича, мажбурий бадалларни тасдиқлаш ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг вазирлигига қаради... Ширкат – ҳокимликдаги ходимларнинг эмас, уй аҳлининг

бирлашмаси... Ижрочи директор шартнома бўйича ишлайди. Агар у ХУМШ аъзоларининг талабига жавоб бермаса, умумий йиғилиш қарорига кўра у билан шартномани бекор қилиш мумкин... Агар ширкатга четдан ҳукм ўтказаетган бўлсалар, улар измида борманг, мутасаддиларни йиғилишга чақиринг, кишилар олдида сўзга чиқсинлар... Ҳокимлик ширкатга бирон-бир шарт қўйишга ҳақли эмас, ХУМШ унга бўйсунмайди» ва ҳ.к.

ХУМШ раислари ва ижрочи директорлари мутасаддилар ва ҳокимликлар ходимларининг ширкат ишларига аралаштиришларига, ХУМШ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини билмасликларига оид далиллар келтиридилар. Бундай асоссиз талаблардан қандай халос бўлиш мумкин? Ширкатларнинг принципиал раҳбарлари кўпинча мутасаддилардан «Ишдан ҳайдайман, қамоққа ўтказаман» қабилидаги нўписани эшитадилар. Гуруҳдагилар муаммони муҳокама қилар экан, қонун саводсизлиқ, ўзбошимчилик ва ваколатларни суиистеъмол қилишга қарши ҳимоя воситаси бўлиши кераклигини қайд этганлар. Баъзилар диктофон ёрдамида бунга қарши кураша оладилар. Бошқалар ноқонуний талабларни ёзма равишда қўйишларини сўрайдилар. Бундай «босимга қарши таблетка» ҳам самара беради.

Муаммони юзга келтирувчи сабабларни таҳлил қилар экан, гуруҳ қатнашчилари фуқароларнинг ҳуқуқий саводсизлигини, бу эса уларни инсталган кўйга солиш имконини беришини қайд этганлар. «ХУМШдаги ҳамма ишни директор ҳал этмаслигини уй аҳлига етказиш жуда мушкул. ХУМШда улар «директор», улар раҳбар». «Кишилар жуда бепарқ. Эшиклардаги эълонлар икки ойлаб илиниб туради, уларни ўқишлари келмайди». «Модомки уй аҳли ҳаракат қилмас экан, ҳеч нима ўзгармайди». Уй аҳли ХУМШ иши ҳақида ахборот ола билиши учун Интернетда ширкатларнинг сайтлари, саҳифаларини яратиш таклифи ҳам билдирилди. Яна бир жиҳат – ширкат аъзолари саводсизлигини тугатиш ҳақида ҳужжат ишлаб чиқиш, ҳокимлик ходимлари ва мутасаддиларни эса унинг ижроси учун масъул этиб тайинлаш таклифи қилинди. Қарабсизки, ўз билим даражаларини ҳам ошириб олишларига имкон бўлади.

Эълон

ТЕКШИРИШЛАР РЕЖА-ЖАДВАЛИ – ОНЛАЙНДА

Ҳурматли ўқувчилар!

Текширишлар тўғрисидаги ахборотни тахририятимиз босма тарзда чоп этмаётганини эслатиб ўтамоқчи. Текширишлар режа-жадвалини газеталаримизда жойлаштиришдан воз кечар эканмиз, бу саҳифалар майдонини бошқа долзарб материалларга бағишлашга қарор қилдик.



Лекин сиз **norma.uz** сайтимизга кириб, назорат қилувчи органлар реестри ва 2017 йилда фаолияти текширилаётган ҳўжалик юртувчи субъектларнинг рўйхати билан танишиш имкониятига ҳали ҳам эгасиз. 2017 йил учун тадбиркорлик субъектларини текширишлар режа-жадвали ДСҚнинг **soliq.uz** расмий сайтыда ҳам эркин фойдаланиш тарзида жойлаштирилган.

Бироқ қонунчиликка мувофиқ, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига Текширувларнинг режа-жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилганлигини унутмаслик керак. Шунинг учун **norma.uz** сайтига ҳар ойда кўз ташлаб туришни тавсия этамоқчи.

Тахририят.

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



Тахририят почтасидан

Ўтган йиллардаги қарз



2017 йилда ХУМШ қутилмаганда квартира ижарачисига 2012 йилдан бери қарзи борлиги ҳақида даъво тақдим этди. Афсуски, у қарзни тўлаш талаби асоссизлигини тасдиқловчи қвитанцияларни сақлаб қолмаган экан.

Уй-жой-коммунал хизматлар бўйича даъво қилиш муддатлари ҳақида ҳужжат борми? 5 йил ўтгач қарзни тўлашни талаб қилиш тўғрими?

И.Абдурахмонова.

– Биринчидан, ХУМШ – хусусий уй-жой мулкдорларининг бирлашмаси. Шу сабабли сизга мулк қилиб расмийлаштирилган хусусийлаштирилган квартирада яшаётган бўлсангиз, квартира ижарачиси эмас, турар жой соҳиби ҳисобланасиз.

Абонентнинг коммунал хизматлар ҳақини тўлаганлиги ва умумий

мол-мулкни сақлаш учун бадалларни тўлаганлиги ҳақида қвитанцияларни сақлаш муддати қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган. Бироқ сўнгги пайтда коммунал хизматларни етказиб берувчилар ва ХУМШ раҳбарлари мулкдорларга ўтган йиллар учун қарзни тўлаш талабларини қўётганликларини инобатга олган ҳолда

қвитанцияларни иложи борича узокроқ сақлаган маъқул.

Даъво муддати – шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир. Умумий даъво муддати – 3 йил. Бироқ шунга эътибор қаратиш лозимки, **даъво муддати (3 йил) суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланади (ФКНнинг 149, 150, 153-моддалари).**

Яъни етказиб берувчи қарзни тўлашингиз ҳақида судга даъво аризаси берган бўлса, у даъво муддатини ҳисобга олмаган ҳолда бутун суммани тўлаш талабини қўйишга ҳақли. **Агар суд жараёни давомида истеъмолчи сифатида даъво муддатини қўллаш зарурати ҳақида ариза бермасангиз, суд унинг талабларини ҳақли равишда қондиради.**

Уй иситилмаётганлигини қандай исботлаш мумкин?



Иссиқлик етказиб берилмаётгани ёки ушбу хизмат лозим даражадаги сифатда тақдим этилмаётганлиги далилини қандай белгилаш мумкин?

Ш.Алихонов.

– Бу масалани Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари қўрсатиш қоидалари (ВМнинг 15.07.2014 йилдаги 194-сон қарорига 1-илова) тартибга солади. Иссиқлик энергияси етказиб берилмаган ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилган тақдирда истеъмолчи етказиб берувчинини ёхуд ижро этувчи – бошқарув

компанияси ёки ХУМШни ҳабардор қилади (Қоидаларнинг 126-банди).

Бу ҳақдаги хабар истеъмолчи томонидан ёзма шаклда ёки оғзаки (шу жумладан, телефон орқали) берилиши мумкин. У албатта рўйхатдан ўтказилиши керак. Бунда истеъмолчи ўз фамилияси, исми ва отасининг исмини, аниқ яшаш манзиллини, шунингдек етказиб

берилмаган иссиқлик энергияси турини (иситиш, иссиқ сув таъминоти) ёки зарур сифатга эга бўлмаган иссиқлик энергияси етказиб берилганлигини маълум қилиши шарт. Етказиб берувчи ёки ижро этувчи истеъмолчига буюртманомани олган шахс тўғрисидаги маълумотларни (фамилияси, исми ва отасининг исмини), буюртманомани

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси эслатади

Фаолиятнинг айрим турлари учун асосий ҳисоботга илова тарзида жадвалда қўрсатилган «1-KB shakliga ilova» шакллари топириши назарда тутилган.

№	Иловалар шакллари	Шакл номи	Тақдим этиш мuddати	Тақдим этадилар
Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими				
1	1-KB shakliga ilova (QM)	Кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмаларда мавжуд қурилиш машина ва механизмлар тўғрисидаги 2016 йил учун ҳисобот	27 февралдан кечиктирмай 27 мартдан кечиктирмай	Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
2	1-KB shakliga ilova (qurilish)	Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига йўналтирилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида 2016 йил учун ҳисобот	27 февралдан кечиктирмай 27 мартдан кечиктирмай	Био ва иншоотлар қурилишига инвестицияларни амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Био ва иншоотлар қурилишига инвестицияларни амалга оширувчи чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
Саноат статистикаси бўлими				
3	1-KB shakliga ilova (energo)	Ёқилғи ва энергия сарфи тўғрисида 2016 йил учун ҳисобот	27 мартдан кечиктирмай	Асосий фаолият тури саноат бўлган кичик корхоналар
4	1-SQK	Саноат ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиши бўйича 2016 йил учун сўровнома	16 февралдан кечиктирмай 10 мартдан кечиктирмай 3 апрелдан кечиктирмай	Йирик саноат ташкилотлари Кичик саноат корхоналари (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги кичик саноат корхоналари
Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўлими				
5	1-KB shakliga ilova (TIF)	Экспорт-импорт тўғрисида 2016 йил учун ҳисобот	27 февралдан кечиктирмай	Хизматлар экспорти ва импорти ҳамда давлат чегарасини кесиб ўтмайдиган товарлар экспорт-импорти билан шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар
Тадбиркорлик ва банк-молия хизматлари статистикаси бўлими				
6	1-KB shakliga ilova (QX)	Микрофирма ва кичик корхонанинг қишлоқ ҳўжалиги фаолияти тўғрисида 2016 йил учун ҳисоботи	27 февралдан кечиктирмай 27 мартдан кечиктирмай	Қишлоқ ҳўжалиги фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
7	1-KB shakliga ilova (eko)	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги микрофирма ва кичик корхонанинг 2016 йил учун ҳисоботи	27 февралдан кечиктирмай 27 мартдан кечиктирмай	Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи ошкоранча манбаларга эга қиқиндилар ҳосил қиладиган микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар

№	Иловалар шакллари	Шакл номи	Тақдим этиш мuddати	Тақдим этадилар
Турмуш даражаси ва иқтимоий соҳа статистикаси бўлими				
8	1-KB shakliga ilova (tib)	Аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхона фаолияти тўғрисида 2016 йил учун ҳисобот	27 февралдан кечиктирмай 27 мартдан кечиктирмай	Аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
11	1-KB shakliga ilova (tur)	Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисида микрофирма ва кичик корхонанинг 2016 йил учун ҳисоботи	27 февралдан кечиктирмай 27 мартдан кечиктирмай	Сайёҳлик-экскурсия ва жойлаштириш (жамоавий жойлаштириш воситалари) хизматларини кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Сайёҳлик-экскурсия ва жойлаштириш (жамоавий жойлаштириш воситалари) хизматларини кўрсатувчи чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
Хизмат соҳаси статистикаси бўлими				
9	1-lizing shakli	Лизинг фаолияти бўйича 2016 йил учун ҳисобот	27 февралдан кечиктирмай	Лизинг фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар Лизинг фаолиятини амалга оширувчи тижорат банклари - жамланма ҳисобот
10	1-KB shakliga ilova (kom)	Микрофирма ва кичик корхонанинг 2016 йил учун ҳисоботи	27 февралдан кечиктирмай 27 мартдан кечиктирмай	Оқова сувларни марказлаштирилган ҳолда чиқариб юборишни, ободонлаштириш ва ёритиш ишларини амалга оширувчи, аҳолига ва маиший-коммунал эҳтиёжларга сув, иссиқлик энергияси ва иссиқ сув етказиб беришчи микрофирма ва кичик корхоналар, Ерегодездекастрининг шаҳар бўлими (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар
11	1-KB shakliga ilova (AKT)	Ахборот-коммуникация технологиялари тўғрисида 2016 йил учун ҳисобот	27 февралдан кечиктирмай 27 мартдан кечиктирмай	Маълумотлар узатиш тармоғида, Интернетни қўшган ҳолда, хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган микрофирма ва кичик корхоналар (провайдерлар, операторлар, хостинг марказлари ва бошқалар) (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналар

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган давлат статистик ҳисоботларини ўз вақтида топширмаган, давлат статистика ҳисоботлари маълумотларини бузиб кўрсатган ёки топшириш мuddатини бузганда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида назарда тутилган маъмурий жавобгарлик қўлланилишига сабаб бўлади.

Маълумот учун телефонлар:
230-88-29, 230-88-09, 230-88-07.

НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

2016 йил учун қуйидаги давлат статистика ҳисоботларини топшириши зарур:

№	Ҳисобот шакли	Ҳисобот шаклининг номи	Тақдим этиш мuddати	Тақдим этадилар
1	1-NNT shakli	Нодавлат нотижорат ташкилотларининг 2016 йил учун ҳисоботи	мuddати 2 мартдан кечиктирмай	Жамоат бирлашмалари, иқтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
2	1-notijorat shakli	Нотижорат ташкилотларининг 2016 йил учун ҳисоботи	16 февралдан кечиктирмай	Нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, иқтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУМШ)дан ташқари)

Шу билан бирга шуғулланаётган фаолият турига ва ишчилар сонига қараб, бошқа йиллик давлат статистика ҳисоботлари топширилиши кўзда тутилган.

ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ

8-kom shakli йиллик «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти тўғрисида»ги 2016 йил учун давлат статистика ҳисоботини **2017 йил 15 февралдан кечиктирмай** топшириши зарур.

Тошкент шаҳрида жойлашган барча хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун барча туман статистика бўлимлари ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасида (Миробод тумани, А.Темур шоҳқўчаси, 11-уй, 35-хона, тел. **230-88-14, 230-88-25**) ҳисоботларни тўлдириш ва электрон қўринишда топшириш учун **бепул** маслаҳатлар берилмоқда.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси www.stat.uz веб-сайти «Хизматлар» бўлими («Шакллар рўйхати») орқали сиз корхонангиз томонидан 2017 йил учун топширилаётган давлат статистик ҳисоботлар рўйхатини шакллантиришингиз мумкин, шунингдек «Стат-Инфо» бўлимидан («Ҳисоботлар шакллари») давлат статистика ҳисобот шакллари бланкисини ва ҳисобот шаклини тўлдириш бўйича тушуинтиришларни юклаб олишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.



Ишдан «қочган» бухгалтернинг мероси

этадиган нарса, тегишинча, ходим тўлайдиган неустойка иш берувчи учун унинг миқдоридан ортиб кетиши мумкин эмас.

Албатта, иш берувчи томонидан неустойка малаканинг етарли эмаслиги ёки саломатлик ҳолатининг мувофиқ келмаслиги оқибатида, шунингдек ходим пенсия ёшига етганлиги сингари асосларга кўра меҳнат шартномаси муддатдан аввал бекор қилинганда тўланиши кўп раҳбарларга адолатсизлик бўлиб кўриниши мумкин, бироқ қонун нима бўлганда ҳам қонун-да!

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, меҳнат шартнома-

си тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра бекор қилинганда **неустойка тўланмайди** (МКнинг 106-моддаси).

Ҳар қандай ҳолда неустойка ишни тезроқ ташлаб кетмоқчи бўлган бухгалтернингизни ушлаб турадиган самарали дастакдир. Зеро ишдан бўшаши учун унинг тўлашига тўғри келади. Бироқ буни қўллаш учун муддатли меҳнат шартномасини тузиш, унда неустойка миқдорини кўрсатиш ва ҳ.к. тўғрисида аввалдан уйлаш керак бўлади. Агар бундай ҳаракатлар қилинмаган бўлса, ўз ходимингиз билан энг ноқулай пайтда хайрлашишга тўғри келади.

Жадвалда муддатли меҳнат шартномаси тарафлари томонидан неустойка тўлашининг аниқ ҳолатлари келтирилган:

Ходим	Иш берувчи
1. Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда (МКнинг 99-моддаси), бундан у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқ бўлган ҳоллар (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйилган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) мустасно.	Меҳнат шартномаси қуйидагилар сабабли иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда: технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди); ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нопойиқ бўлиб қолиши (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди); ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 5-банди); корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганлиги (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 6-банди); ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди).
2. Меҳнат шартномаси ходимнинг айбни ҳаракатларига асосан (ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда ёки бир марта кўпол равишда бажарганлиги – МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари) бекор қилинганда	

Кетишга-ку, кетди – буёғига ким жавоб беради?

Бухгалтер – жавобгарлик билан боғлиқ касб. Бироқ унинг вақт билан боғлиқ чегаралари борми? Иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилиб бўлинган бухгалтерга нисбатан ишдаги камчиликлар учун бирор-бир моддий даъволар билдириши мумкинми? Мисол учун, илгари ишлаган бухгалтернинг айби боис вужудга келган бухгалтерия ҳисоби хатоларини тузатиш учун аудитор ёллашга тўғри келса ёки у солиқлар суммаларини нотўғри ҳисоблаб

ёзганлик ёки уларни ўз вақтида тўламаганлик туфайли ташкилотга молиявий санкциялар қўлланса. Ишдан бўшаган бухгалтер барча мажбуриятлардан озод бўлиши мумкинми?

МКнинг 198-моддасида айтилишича, ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган

мол-мулк) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек **иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати** тушунилади.

Агар иш берувчи бухгалтер ишидаги камчиликларни тузатганлик учун бошқа шахсларга (шу жумладан ошиб кетган ишлар ҳажмлари учун иш ҳақини ошириш сифатида янги бухгалтерга) ёки давлат пеня, жарима тўлашга мажбур бўлса (*Солиқ кодексининг 17-боби*), у бухгалтер томонидан зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади*.

Ходим **моддий жавобгарлигининг** алоҳида **вақт чегараларини қонун белгиламайди**. Мазкур ҳолда ФК

белгилаган даъво муддати – 3 йил қўлланади. Тегишинча, меҳнат шартномасини бекор қилиш далили зарарни қоплаш талабини тақдим этишга тўқинлик қилмайди.

Бироқ шуни ҳисобга олиш лозимки, ходимнинг **моддий жавобгарлиги чегараси** мавжуд. У ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи билан чекланади (МКнинг 201-моддаси).

Тўлиқ моддий жавобгарлик МКнинг 202-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина бошланади (улар асосан мол-мулкни бут сақлашни таъминлашга тааллуқли ва ортиқча тўловлар билан боғланмаган).

Ходим билан меҳнат шартно-

маси бекор қилиб бўлинган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолишлар мумкин бўлмаган ҳолларда МК 207-моддасининг иккинчи қисмига асосан судга муурожаат қилишга йўл қўйилади.

Шу тариқа, агар бухгалтер ўзидан кейин ҳисоб ишини аянчли ҳолатда қолдирган бўлса, уни ўз хатоларини мустақил равишда тузатишга ундашнинг қонуний дастаклари мавжуд. Акс ҳолда унга ушбу хатоларни тузатиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини тўлашга тўғри келади.

Бироқ олдинги ва янги бухгалтернинг **жавобгарлигини чегаралаш муаммоси** ҳам мавжуд бўлиб, у ҳам катта аҳамиятга эга.

Янги бухгалтер нималарга жавоб беради-ю, аввалгиси нимага жавобгар?

Эртами-кечми, ишдан бўшаган бухгалтер ўрнига янги мутахассис келади.

Албатта, уни янги молия йилидан бошлаб ишга қабул қилиш қўлай, зеро бундай қилганда жавобгарлиқни ҳам чегаралаш қийин бўлмайди – молия йили ёпилган, кейингисига эса энди бошланган. Бироқ эски бухгалтер йил мобайнида ишдан бўшаса, бу иш мураккаблашади.

Амалиётда кўпинча иккала бухгалтернинг иш давлари эътиборга олинади. Ҳақиқатан ҳам, янги мутахассис у ҳали ишламаган давр учун қандай қилиб жавоб бериши мумкин?

Ташкилот бухгалтериясида эски бухгалтер ишдан бўшашидан сўнг вужудга келган муаммолар учун жавобгар бўлиш янада гайритабиий ҳисобланади.

Бироқ реал ҳаётда воқеа ва жараёнлар улар иши давларининг вақт чегараси ичида ривожланиши мумкин. Масалан, бухгалтерия ҳисобининг бошлангич ҳужжатларини аввалги бухгалтер, улар асос бўлган ҳисоботи эса янги бухгалтер тузганда.

Мазкур ҳолда, фикримизча, қуйидаги далиллардан келиб чиқиш лозим. Бухгалтерия ҳужжатлари бошлангич ҳужжатлар

ва ҳисоботларга бўлинади, ҳисоботлар эса бошлангич ҳужжатлар асосида тузилади. Шу тариқа, бошлангич ҳужжатдаги хато туфайли бухгалтерия ҳисоботида хатолар вужудга келганда жавобгарлик ўни имзолаган бухгалтер зиммасига тушади. Ва аксинча, агар ҳисоботда бошлангич ҳужжатларда бўлган ахборот бузиб кўрсатилса, жавобгар янги бухгалтер бўлиши керак.

Ушбу қоида анча универсал бўлиб, уни нафақат моддий, балки маъмурий, шунингдек жинсий жавобгарлик масалаларини кўришда ҳам қўллаш мумкин. Шу сабабли **раҳбар бухгалтер**

билан меҳнат шартномасини бекор қилаётганда бухгалтерия ҳужжатларининг рўйхати

ва уларни қабул қилиш-топиширишга алоҳида эътибор қаратиши керак.

Юқорида айтилганларни яқунлар эканмиз, қонун ҳужжатлари бухгалтер иш сифатини таъминлашнинг неустойка ва етказилган зарарни ундириши сингари самарали кафолатларини назарда тутишни таъкидлаймиз. Бунинг учун меҳнатга оид муносабатларни ўз вақтида ва лозим даражада расмийлаштириш зарур. Бироқ бу ҳам ҳар доим непрофессионал бухгалтер етказган зарарни тўлиқ ундириши кафолатламайди. Бундан ташқари, меҳнат шартномаси бекор қилинганда бухгалтерия ҳужжатларини рўйхат бўйича қабул қилиш-топишириш таъминлаш лозим. Бунга эришиш учун эса бухгалтерия ҳисобини ташкилотнинг бутун феолати давомида тўғри юриштишни таъминлаш жуда муҳимдир.

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида тегишли ва саҳифаланди.
Нашр қўрилган – 186. Қўғоқ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма таъбик, Басма қилинган нақшда.
Буторка 821. Адади 1 170. Газета 2017 йил 13 февраль соат 19:00 да топширилди.